



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 18 » avgust

№ 443

Toshkent sh.

Туристик стартапларни – янги турдаги туризм хизматларини ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этиш билан боғлиқ харажатларнинг бир қисмига субсидия ажратиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Туризм қўмитаси фаолиятини ташкил этиш ва туризм соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 19 ноябрдаги ПҚ–348-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 ноябрдаги ПҚ–348-сон қарорига мувофиқ Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан туристик стартапларни – янги турдаги туризм хизматларини ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этиш билан боғлиқ харажатларнинг 50 фоизи, бироқ 1 млрд сўмдан кўп бўлмаган миқдорда ҳар йили энг яхши 10 тагача лойиҳаларга субсидиялар ажратилиши белгилангани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Туристик стартапларни – янги турдаги туризм хизматларини ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этиш билан боғлиқ харажатларнинг бир қисмига субсидия ажратиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламенти **иловага мувофиқ** тасдиқлансин.

3. Туризм қўмитаси Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда **бир ой муддатда** ушбу қарор билан тасдиқланган Регламентга мувофиқ давлат хизматлари Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали жорий этилишини таъминласин.

4. Адлия вазирлиги давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан давлат хизматларини кўрсатишнинг белгиланган тартибига риоя этилиши бўйича уларнинг фаолияти юзасидан, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали доимий назорат ўрнатсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Туризм қўмитаси раиси А.Ў. Ақкулов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 18 ” августдаги 443 -сон қарорига
илова

**Туристик стартапларни – янги турдаги туризм хизматларини ишлаб
чиқиб, амалиётга жорий этиш билан боғлиқ харажатларнинг бир
қисмига субсидия ажратиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Регламент туристик стартапларни – янги турдаги туризм хизматларини ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этиш билан боғлиқ харажатларнинг бир қисмини Ўзбекистон Республикаси Туризм қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) маблағлари ҳисобидан қоплаб бериш тартибини белгилайди.

2. Харажатларни қоплаш давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) орқали Ўзбекистон Республикаси Туризм қўмитаси (кейинги ўринларда – Қўмита) томонидан амалга оширилади.

3. Ушбу Регламентда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланади:

туристик стартаплар – янги турдаги туризм хизматлари (кейинги ўринларда – стартап) – туристик хизматларни ривожлантиришга қаратилган, туристлар учун долзарб ҳисобланган туризм соҳасида инновацион хизмат, технология ёки маҳсулот яратишга қаратилган янги бизнес лойиҳа;

талабгор – стартапни яратган ва субсидия ажратиш учун мурожаат қилган тадбиркорлик субъекти;

харажатларни қоплаш – стартапни ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этиш билан боғлиқ харажатларнинг **50 фоизи, бироқ 1 млрд сўмдан кўп бўлмаган миқдорда** ҳар йили энг яхши 10 тагача стартап учун Жамғарма ҳисобидан субсидия ажратиш.

4. Талабгор харажатларни қоплаш учун ҳужжатларни топшириш санасида қуйидаги талабларга жавоб бериши зарур:

солиқ ва йиғимлар бўйича қарздорлиги бўлмаслиги;

банкротлик ёки тугатиш жараёнида бўлмаслиги.

5. Субсидия битта талабгор учун бир календарь йилда бир маротаба ажратилади.

2-боб. Харажатларни қоплаш учун ариза тақдим этиш ва уни кўриб чиқиш тартиби

6. Субсидия ажратиш ушбу Регламентга 1-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

7. Талабгор стартап бўйича харажатларни қоплаш учун Давлат хизматлари марказига ёки ЯИДХП орқали Қўмитага ушбу Регламентга 2-иловага мувофиқ шаклда ариза (кейинги ўринларда – ариза) билан мурожаат қилади.

Бунда аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

стартапни амалиётга жорий қилиш бўйича бизнес режа;

стартап лойиҳасининг тақдимот нусхаси.

8. Аризага талабгор тўғрисида маълумотлар киритилгандан сўнг, талабгор уни имзоларни идентификация қилишнинг тегишли воситалари (ЭРИ, электрон рақамли имзо, Мобил-ID ва бошқалар) билан тасдиқлайди.

Талабгор аризани ЯИДХП орқали тўлдирганда, ундан электрон рақамли имзо талаб этилмайди.

9. Талабгорнинг аризасини Қўмита томонидан кўриб чиқишда тўлов ундирилмайди.

10. Қўмита раиси томонидан **Туристик стартап лойиҳаларини кўриб чиқиш бўйича комиссия** (кейинги ўринларда – Комиссия) таркиби шакллантирилади.

Комиссиянинг иш тартиби ва таркиби Қўмита раиси томонидан белгиланади ҳамда Қўмитанинг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

11. Комиссия томонидан талабгорга Қўмитага унинг аризаси келиб тушган кундан бошлаб **беш иш кунида** суҳбат ўтказилиши ҳақида хабарнома юборилади.

Суҳбат хабарнома юборилгандан сўнг **беш иш кунида** видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланган ҳолда ёки талабгорнинг шахсан иштироки орқали ўтказилиши мумкин. Суҳбат давомида талабгор Комиссияга ўз стартапини тақдимот қилиб, Комиссия аъзоларининг саволларига жавоб беради.

12. Комиссия суҳбат ўтказилгандан сўнг **ўн иш кунида** талабгорнинг ушбу Регламентда белгиланган талабларга мослигини ўрганиб чиқади, Туризм қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси кенгашининг ижобий хулосасини олади ҳамда субсидия ажратиш мақсадга мувофиқ ёки мақсадга мувофиқ эмаслиги ҳақида хулоса чиқаради.

13. Комиссия томонидан стартапни баҳолашда унинг маълум бир туристик хизматни ривожлантиришга қаратилгани, бугунги кунда туристлар учун долзарблиги ҳамда аввал мавжуд бўлмаган ёки сезиларли даражада такомиллаштирилган ечимни тақдим этиш даражасига эътибор қаратилади.

14. Аризани кўриб чиқишда қўшимча ўрганиш талаб этилса, Қўмита талабгорни ЯИДХП орқали хабардор қилган ҳолда, аризани кўриб чиқиш муддатини етти иш кунигача узайтириши мумкин.

15. Қўмита талабгорнинг аризасини ўрганиш даврида қуйидаги ҳужжатларни масъул давлат органлари ва ташкилотлардан мустақил равишда, шу жумладан, “Электрон ҳукумат” тизимининг идоралараро интеграция платформаси орқали онлайн текшириб олади:

талабгорнинг номи, жойлашган ери (почта манзили), унинг рўйхатдан ўтиш рақами, санаси, гувоҳнома берган орган номи, солиқ тўловчи сифатидаги идентификация рақами (кейинги ўринларда – СТИР) ва тижорат банкидаги ҳисобварағи реквизитлари;

талабгорнинг солиқ ва йиғимлар бўйича қарздорлиги ҳолати.

16. Қўмита Комиссия хулосаси асосида **икки иш кунид**а субсидия ажратиш ёхуд субсидия ажратишни рад этиш тўғрисида (рад этиш асосларини кўрсатган ҳолда) қарор қабул қилади ҳамда қарорнинг электрон нусхасини қарор қабул қилинган кундан сўнг, **бир иш кунид**а Давлат хизматлари маркази (ўзи келган ҳолда мурожаат қилинганда) ёки ЯИДХП (электрон тарзда мурожаат қилинганда) орқали талабгорга юборади.

17. Қарорда қопланаётган маблағ миқдори, талабгорнинг номи, жойлашган ери (почта манзили), СТИР ҳамда тижорат банкидаги ҳисобварағи кўрсатилади.

Бунда субсидия миқдори Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларига субсидиялар, имтиёзлар ва преференцияларни тақдим этиш тартибларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2024 йил 24 майдаги ПҚ–193-сон қарорининг 2-банди талабларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

18. Субсидия ажратиш қуйидаги асосларга кўра рад этилади:

аризада ушбу Регламентга 2-иловада кўрсатилган маълумотлар тўлиқ кўрсатилмаганда ёки нотўғри маълумот тақдим этилганда;

талабгорга бир календарь йил давомида мазкур Регламент доирасида субсидия ажратилганда;

талабгор ушбу Регламентда кўрсатилган талабларга жавоб бермаганда;

стартap юзасидан Туризм қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси кенгашининг ижобий хулосаси мавжуд бўлмаганда.

19. Харажатларни қоплашни ушбу Регламентда кўрсатилмаган бошқа асослар бўйича рад этишга йўл қўйилмайди.

20. Талабгор харажатларни қоплашни рад этиш тўғрисидаги қарор нусхасини олган кундан бошлаб **кўпи билан бир ой давомида** қарорда кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиши ҳамда уларнинг бартараф этилганини тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда, Қўмитага такроран ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

21. Ариза такроран тақдим этилган кундан бошлаб **беш иш кунда** қайта кўриб чиқилади. Бунда харажатларни қоплашни янги асослар бўйича рад этишга йўл қўйилмайди.

22. Ушбу Регламентнинг 20-бандида кўрсатилган муддат тугагандан сўнг тақдим этилган ариза янги берилган деб ҳисобланади.

23. Харажатларни қоплаш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб **етти иш кунда** Қўмита талабгорнинг хизмат кўрсатувчи тижорат банкларидаги ҳисобварақларига маблағларни ўтказиб беради.

3-боб. Яқунловчи қоидалар

24. Харажатларни қоплаш учун Жамғарма ҳисобидан маблағ ажратилган тадбиркорлик субъектлари рўйхати (реестри) Қўмитанинг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

25. Талабгор харажатларни қоплаш учун тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларнинг тўғрилиги учун масъул ҳисобланади.

26. Қўмита мазкур Регламентга асосан ишларни ташкил этиш, мувофиқлаштириш, мониторинг қилиш ва Жамғарма ҳисобидан ажратилган маблағларнинг талабгорга етказилиши учун масъул ҳисобланади.

27. Талабгорлар Қўмитанинг харажатларни қоплаб беришни рад этиш тўғрисидаги қароридан рози бўлмаган тақдирда, Қўмитанинг қарори юзасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиши мумкин.

28. Ушбу Регламент талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Туристтик стартапларни – янги турдаги туризм хизматларини ишлаб чикиб, амалиётга жорий этиш билан боғлиқ харажатларнинг бир қисмига субсидия ажратиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламентига
1-илова

**Туристтик стартапларни – янги турдаги туризм хизматларини ишлаб чикиб,
амалиётга жорий этиш бўйича субсидия ажратиш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш мuddатлари
1-босқич	Талабгор (субсидия олиш учун мурожаат қилган тадбиркорлик субъекти)	Туризм қўмитасига Давлат хизматлари маркази ёки ЯИДХП орқали субсидия олиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилади.	Ҳар чорак якунининг 20-санасидан 25-санасигача
2-босқич	Туристтик стартап лойиҳаларини кўриб чиқиш бўйича комиссия	1. Аризани кўриб чиқади ва суҳбат ўтказиш ҳақида талабгорга хабарнома орқали маълум қилади. 2. Видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланган ҳолда ёки талабгорнинг шахсан иштироки орқали суҳбат ўтказиш. 3. Аризанинг белгиланган талабларга мослигини ўрганиб чиқади ва тегишли хулоса чиқаради.	5 иш кунида 5 иш кунида 10 иш кунида
3-босқич	Туризм қўмитаси	1. Туристтик стартап лойиҳаларини кўриб чиқиш бўйича комиссиянинг хулосаси асосида субсидия ажратиш ёки субсидия ажратишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади. 2. Қарор нусхасини Давлат хизматлари маркази ёки талабгорнинг ЯИДХПдаги шахсий кабинетига юборади.	2 иш кунида 1 иш кунида
4-босқич	Талабгор	Субсидия ажратишни рад этиш тўғрисидаги қарорни олганда, қарорда кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш ва уларнинг бартараф этилганини тасдиқловчи тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда, Туризм қўмитасига такроран Давлат хизматлари маркази ёки ЯИДХП орқали мурожаат қилади.	1 ой ичида
5-босқич	Туризм қўмитаси	Ариза такроран тақдим этилганда, уни қайта кўриб чиқади.	5 иш кунида
6-босқич	Туризм қўмитаси	Субсидия тўғрисида қарор қабул қилинганда, тадбиркорнинг тижорат банкидаги ҳисобварағига маблағларни ўтказиб беради.	7 иш кунида

Туристтик стартапларни – янги турдаги туризм
хизматларини ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этиш
билан боғлиқ харажатларнинг бир қисмига субсидия
ажратиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг
маъмурий регламентига
2-илова

НАМУНА

**Туристтик стартапларни – янги турдаги туризм хизматларини ишлаб чиқиб,
амалиётга жорий этиш бўйича субсидия ажратиш тўғрисида
АРИЗА**

(тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномага мувофиқ
ариза берувчининг тўлиқ номи)

(почта манзили)

манзил бўйича

рўйхатдан ўтган,

Директори

(ишончли вакил): _____ шахс номидан

(ариза берувчи раҳбари / ишончли вакилнинг Ф.И.О.)

манзилда жойлашган

(вилоят, туман, шаҳар, кўча, бино рақами)

Туристтик стартапларни – янги турдаги туризм хизматларини ишлаб чиқиб, амалиётга
жорий этиш бўйича субсидия ажратишингизни сўрайман.

Сарфланиши режалаштирилаётган
харажатлар миқдори: _____

Тарғибот ҳаволаси:

Банк реквизитлари

ва ҳисобварағи: _____

Алоқа маълумотлари

(телефон / факс рақами,

электрон почта манзили: _____

(ариза берувчининг лавозими, Ф.И.О.)

20 ____ йил _____

